

Салиб юришларининг савдо-сотиққа таъсири



12:21 / 22.12.2023 2057

Европа ва Осиё ўртасидаги бу буюк тўқнашув савдо-сотиққа ҳам катта таъсир кўрсатди. Европа икки аср давомида Шарққа юбориб турган асбоб-ускуна, қурол-аслаҳа, озиқ-овқат ва нақлиёт воситалари савдо ҳаракатининг, айниқса денгиз йўли орқали олиб борилган савдо-сотиқнинг ривожланишига тўртки берди. Марсель, Пиза, Генуя, Венеция каби шаҳарларнинг савдогарлари учун айниқса қулай имконият ва шарт-шароитлар юзага келди. Марсель денгиз бандаргоҳи шу қадар каттариб кетдики, 1190 йилга келиб бу ердан Ричард Шерюракнинг бутун армиясини Муқаддас заминга юбориш мумкин эди.

Салиб юришлари оқибатида савдо-сотиқнинг ривожланиши салибчилар Осиёдан қувиб чиқарилгандан кейин ҳам тўхтамади, чунки Италиянинг

кўпчилик савдо республикалари мусулмон шаҳзодалар билан савдо битимлари тузган эди. Венециянинг қудрати ортишига сабаб бўлган энг муҳим омиллардан бири айнан Шарқ билан савдо-сотик муомалалари бўлиб, бу молиявий муносабатлар янги денгиз йўллари очилиб, савдо янги қўлларга ўтгунга қадар мунтазам равишда кенгайиб бораверди.

Салиб юришлари ҳунармандчилик ва санъатнинг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатди. Салибчиларнинг жоҳил ва дағал раҳбарлари шарқона нафосат олдида лол қолдилар ва савдо-сотик муомалалари туфайли бу гўзалликни ўз ватанларида ҳам барпо этишга имкон топдилар. XII асрдан бошлаб ва айниқса XIII асрда шарқона муҳташамликни Ғарб тамаддуни вакилларининг ҳарбий либосида, кийим-кечагида ва уй-жойларида учратиш мумкин бўлди.

Ҳашаматларнинг оммалашуви ҳунармандчиликда ҳам жиддий муваффақиятларга олиб келди. Табиийки, ҳунармандлар айнан савдода талаб катта бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга интилишарди, чунки зарурат уларни мана шу эҳтиёжларни қондиришга ундарди. Ёғоч ва металлни қайта ишлаш, эмаль ва шиша буюмлар ясаш турли соҳадаги билимларни тақозо этар эди.

Салиб юришларигача маълум бўлмаган бу билимлар тезда Шарқ халқларидан ўзлаштириб олинди ва бутун Европага тарқалди. Тирдан келтирилган шиша буюмлар Венециядаги шиша идишлар учун андоза бўлди. Мусулмонларда анча ривожланган ипак газламалар тайёрлаш ва уларни бўйаш санъати тезда Европага ҳам кириб келди.

Ғарб икки аср давомида Шарққа юбориб турган армиялар таркибида турли-туман касб ва ҳунар эгалари – қурулсозлар, меъморлар, дурадгор ва бошқа усталар ҳам бор эди. Бу усталар Шомда етарлича узоқ вақт яшаб, ўзларига етмаётган билимларни эгалладилар.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин

ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.